O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 19 июнь, № 122 (5037) Шанба


# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 18 июнь куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.**

Биз дунё тамаддунига ўзининг бой тафаккури ва маънавияти билан улкан ҳисса қўшган, инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уларнинг маданий-маънавий, илмий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва бойитиш келгуси авлодлар олдидаги бурчимиздир.

Барча соҳалар қатори маънавий-маърифий жабҳада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам. Муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш, улуғ бобокалонларимиз қолдирган маънавий меросни чуқур ўрганиш, ёшларни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш устувор аҳамият касб этмоқда.

Ислом Каримов Бухоро вилоятига сафарини Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида буюк бобомиз мангу қўним топган макон мутлақо янгича қиёфага эга бўлди. Боғ-роғлар барпо этилди, зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

— Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, улар қолдирган меросни ўрганиш халқимиз маънавий оламини бойитишда муҳим ўрин тутади, — деди Ислом Каримов. — Ушбу муқаддас қадамжони зиёрат қилган ҳар бир киши руҳан поклангандек бўлади. Бундай муборак жойларга тез-тез келиб туриш, зиёрат қилиш, Яратгандан юртимизга, элимизга, фарзандларимизга тинчлик-омонлик, файзу барака тилаш ҳар биримиз учун фарздир.

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топишига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам айни мақсадга йўналтирилган бўлиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бунинг амалий натижаларини Бухоро вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,1 фоизга ошди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратилаётган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит ўз самарасини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари Вобкент туманидаги "Музаффар Зайниддинов" фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Шу кунларда юртимизда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Миришкорларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, қисқа фурсатларда йиғиб олиш учун барча чоралар кўрилаётир.

Юртимизда фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли фермерлар нафақат иқтисодиётимиз таянчига, балки қишлоқда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига ҳам айланмоқда.



Ҳозирги кунда Бухоро вилоятида 5 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Вилоят деҳқонлари бу йил 380 минг тонна ғалла етиштиришни мўлжалламоқда.

Вилоят фермерлари 110 минг гектардан зиёд майдонда ғўзанинг "Бухоро-6", "Бухоро-8", "Бухоро-12" навларини парваришламоқда. Бўлғуси ҳосил тақдирида муҳим бўлган айни паллада деҳқонлар ғўзани қондириб суғориш, қатор ораларига ишлов бериш сингари агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли амалга оширмоқда.

Президентимиз "Музаффар Зайниддинов" фермер хўжалигида бир гуруҳ фермерлар ва вилоят фаоллари билан мулоқот чоғида шаҳар ва қишлоқларимизни замонавий меъморлик талаблари асосида қуриш, уларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, инфратузилмаларни ривожлантириш, қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлигини янада ошириш, фермерларга ўз фаолиятини кенгайтириши, қишлоққа саноатни олиб кириши, янги иш ўринлари ташкил этишига кўмаклашиш мақсадида янада кенг имкониятлар яратиш ҳақида атрофлича суҳбатлашди.

Юртбошимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатининг самараларини Бухоро вилояти мисолида ҳам кўриш мумкинлигини таъкидлар экан, фидокорона меҳнат қилиб, ўз рўзғорини ва эл-юрт дастурхонини тўкин қилаётган фермерлар фаолиятига юксак баҳо берди.

— Биз истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ўз олдимизга ғалла мустақиллигига эришишни бош мақсад қилиб қўйган эдик. Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган кенг кўламли изчил ислоҳотлар натижасида қисқа даврда вазият бутунлай ўзгарди. Табиат инжиқликларига қарамай, ўтган йили деҳқонларимиз мамлакатимиз ғаллачилиги тарихида энг юқори натижага эришиб, 7 миллион тоннадан зиёд дон етиштирди. Яқин ўтмишда ўз эҳтиёжи учун четдан буғдой олган Ўзбекистон энди ғаллани экспортга чиқармоқда. Ўтган йили 800 минг тонна ғалла экспорт қилинди, — деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари фермерлар билан суҳбатда уларнинг турмуш шароити, келгуси режалари билан қизиқди.

— Фермер хўжалигимиз 2007 йилда ташкил этилган, — деди "Музаффар Зайниддинов" фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Ғаффоров. — 42,3 гектар еримизнинг 18 гектарига ғалла экканмиз. Ҳосилдорликни 80 центнерга етказмоқчимиз. Ҳосилнинг 60 фоизи хўжалигимиз ихтиёрида қолади. Фермерларга яратиб берилган кенг имкониятлар ютуқларимизнинг бош омили бўлмоқда.

Маълумки, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти йил сайин юксалиб бормоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, юқори малакали кадрларга боғлиқ. Президентимиз ёшларимизнинг қизиқиш ва интилишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Ўз олдимизга келажаги буюк давлат барпо этишни олий мақсад қилиб қўйган эканмиз, ёш авлоднинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олишимиз даркор. Шу жиҳатдан Президентимиз Бухоро давлат университетининг гидромелиорация факультети фаолиятини янада такомиллаштириш, бу борада мамлакатимизда тўпланган бой тажрибадан унумли фойдаланиш, юксак билим ва малакали мутахассислар тайёрлаш орқали вилоятга хос бўлган ерларнинг шўрланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга эътиборни қаратди.

Давлатимиз раҳбари мавжуд ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириб бориш, тупроқ ва иқлим шароитимизга мос серҳосил, эртапишар экин навларини яратиш муҳим вазифалардан бири эканини қайд этди. Қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, реал даромадини кўпайтириш, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий технологиялар негизида қайта ишлашни кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур вазифаларнинг бажарилиши аҳолининг бандлик даражасини оширишга, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларни иш билан таъминлашга хизмат қилади. Юртбошимиз ёшларни, хусусан, қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг муайян касб-ҳунар эгаси бўлиб, жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шароитларни яратиб бериш лозимлигини таъкидлади.

Суҳбат асносида Президентимиз сўнгги кунларда Қирғизистоннинг Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида юз берган воқеаларга ҳам тўхталиб ўтди.

— Бу воқеалар ҳақида гапиришнинг ўзи оғир. Бегуноҳ одамларни, болаларни, ҳомиладор аёлларни ўлдириш — бу ваҳшийликдан бошқа нарса эмас, — деди Ислом Каримов. — Бундай қонли жиноятларнинг тагига етилишига, уларга қонуний баҳо берилишига ишонаман.

Мен илгари ҳам айтган эдим — бугунги кунда ўзининг қадр-қиммати, ғурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ва жамиятнигина дунё аҳли тан олади ва ҳурмат қилади. Ўз кучига ишонган, келажаги буюк халқнинг бағри кенг бўлади. Халқимиз доимо бошқаларга бағрини очиб, ҳамдард бўлиб келган.

Фожианинг сабаблари ҳақида гапирганда, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, мен қонга — қон, жонга — жон, деган қарашга қаршиман. Нафақат қаршиман, балки шундай фикр билан юрадиганларни халқимизнинг душмани, деб биламан.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраш, қадрига етиш керак. Мен халқимизни оғир-вазмин бўлишга, етти ўлчаб бир кесиш керак, деган нақлга ҳамиша амал қилишга яна бир бор даъват этаман. Чунки жаҳолат ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Қизиққонлик, жоҳиллик оқибатида бу гўзал ҳаётни бир лаҳзада йўқотиш мумкинлигини сира унутмаслик лозим.

Тинчлик ва осойишталик йўқ жойда барака бўлмайди. Шунинг учун халқимиз ҳар доим, бизга тинчлик керак, дейди. Тўй-ҳашам, маърака-маросимларда тинчлик-осойишталик, омонлик бўлсин, баракамизни берсин, осмонимиз мусаффо бўлсин, деб дуо қилади.

Бугунги мураккаб даврда огоҳлик, сезгирлик, ҳушёрлик ҳар қачонгидан кўра муҳим. Чунки узоқ ва яқин мамлакатларда ўзини бизга дўст сифатида кўрсатадиганлар ҳам йўқ эмас.

Қирғизистондаги воқеаларга муносабат масаласида ҳам шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Уларнинг фикрича, бу воқеаларнинг туб сабабларини қидириш шарт эмас. Гўё бу ўзбек ва қирғиз этник гуруҳлари ўртасидаги қарама-қаршилик эмиш. Мен бундай фикрларга мутлақо қаршиман, деб таъкидлади Ислом Каримов. Ўзбек ҳам, қирғиз ҳам бунга айбдор эмас. Бу четдан туриб уюштирилган, бошқарилган қўпорувчилик ҳаракатидир.

Бу қўпорувчиликни уюштирган кучларнинг нияти Ўзбекистонни ҳам бу қарама-қаршиликка тортишдан иборат бўлган.

Биз буюк халқмиз, асрлар давомида ёнма-ён яшаб келган қирғиз халқи билан тил топишга, муаммоларни ўзимиз ечишга қодирмиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**Эркин ЁДГОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**
**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ**
**олган сурат.**

---

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтоннинг телефон орқали мулоқоти тўғрисида АХБОРОТ

Шу йилнинг 17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида кейинги вақтларда Қирғизистон жанубида, Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида юз берган фожиали воқеалар муҳокама қилинди.

АҚШ Давлат котиби Қирғизистон жанубида ва биринчи навбатда, Ўзбекистон ҳудудидаги қочқинлар лагерларидаги, Қирғизистон билан чегарадош туманлардаги вазият билан таништирилди.

Қирғизистон жанубидан ўтган қочқинларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш, барча эҳтиёжмандларга тиббий хизмат кўрсатиш, улар учун зарур маиший шароитлар яратиш, озиқ-овқат билан таъминлаш, шунингдек, қочқинлар лагерлари учун зарур ёрдамни ташкил қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Шу билан бирга, юзага келган мураккаб вазиятдан чиқиш йўллари ва аввало, Қирғизистондаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Қочқинларга бевосита ёрдам кўрсатиш ва фалокат содир этилган туманлар аҳолисига гуманитар ёрдам кўрсатиш, Қирғизистон жанубида ва бутун мамлакат ҳудудида вазиятни тезроқ барқарорлаштириш масалалари АҚШнинг диққат марказида тургани қайд этилди.

---

# ҚИШЛОҚДА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — БАРКАМОЛ АВЛОДНИ САМАРАЛИ ТАРБИЯЛАШ ОМИЛИ

***15 июнь куни Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан ташкил этилган «Қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш — баркамол авлодни самарали тарбиялаш омили: муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари» мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Тадбир иштирокчилари истиқлол йилларида юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш, шу жумладан, қишлоқда болалар ва ёшлар ҳуқуқларини самарали таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий ва моддий асослар яратилганлигини қайд этдилар. Йилдан-йилга қишлоқнинг ижтимоий инфратузилмаси ривожланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда, қишлоқларда спорт марказлари, болалар майдончалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, мактабдан ташқари муассасалар сони ортиб бормоқда, қишлоқ ёшларининг ахборот ресурсларидан, хусусан, Интернетдан фойдаланиш имкониятлари кенгаймоқда, қишлоқ соғломлаштириш марказлари ташкил этилмоқда, спорт мусобақалари, ўқувчи ёшларнинг турли танлов ва олимпиадалари ўтказилмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Агробанк», «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банклари ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда қишлоқ ёшларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва улар учун янги иш ўринлари яратиш мақсадида 2009 йилда «Ёш тадбиркор камолоти — қишлоқ тараққиёти кафолати» номли кўрик-танлов ўтказилиб, 1192 нафар ёш тадбиркорга микрокредит олиши учун тавсиялар берилди, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида лойиҳалар доирасида 2383,7 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

(Давоми 2-бетда).

---

# ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОНДА

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Италиянинг 13 провинцияси уюшмаси раиси, Сиракуза провинцияси маъмурияти раҳбари Никола Боно бошчилигидаги делегация аъзолари 18 июнь куни қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказди.***

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов билан учрашувда Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги муносабатлар савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар, изчил давом этаётган хусусийлаштириш жараёни кўплаб давлатлар қатори Италия ишбилармонларининг ҳам юртимиз билан ҳамкорликка эътиборини кучайтираётгани қайд этилди.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида икки мамлакатнинг ҳам имкониятлари катта. Иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Юртимизда италиялик сармоядорлар иштирокида тузилган "Agrixim", "Sekko-Alessandre", "Roison-Candy" каби қатор корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

***Маълумки, мамлакатимизда монополияга қарши чора-тадбирларни тартибга солиш тизими тобора такомиллашиб бораётир. Бу эса, шубҳасиз, иқтисодий ислоҳотларимизнинг жадал суръати ва модернизация жараёнлари маромига жуда катта ижобий турткі бермоқда. Ушбу тизим такомиллашувининг янада кенгроқ ва чуқурроқ қамровда бўлиши рақобат муҳитининг изчил ривожига, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтиришга ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишини олдини олишга имкон беради. Зеро, бунда айрим иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишлари бирмунча фаоллашади ҳам.***

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Айни шу мақсадда жорий йилнинг 26 февралида Президентимизнинг "Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унда илгари тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ишлари билан ҳам шуғулланиб келган Давлат қўмитаси мақоми Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси мақоми билан қайта номланди.

Мазкур Фармонда қўмитанинг асосий вазифалари ва фаолият йўналиши, яъни монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш, монополистик фаолиятни чеклаш ва табиий монополиялар ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг аниқ йўллари белгилаб берилди. Хусусан, тегишли идораларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинганлиги ва унинг зиммасига аниқ вазифалар юклангани мақсадга мувофиқдир. Чунки бу уюшма кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини модернизация қилиш, технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестициялар ҳамда кредит ресурсларини жалб этишда кўмак беради.

**Парламент ҳаёти**

Бундай уюшма, айтиш жоизки, маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик учун ҳуқуқий майдонни янада такомиллаштиради. Уларга ахборот хизматлари кўрсатиш, санация ва банкротлик масалаларини кўриб чиқишда ёрдамлашади.

Шу маънода, яқинда парламент қуйи палатаси ялпи мажлисида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан киритилган "Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси монополияга қарши ишларни янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантиришга қаратилган. Шу билан бирга, лойиҳада табиий монополиялар корхоналари фаолияти устидан назоратни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш назарда тутилган.

Айтиш мумкинки, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этишлари, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатини кучайтиради.

Мухтасар қилиб айтганда, Юртбошимизнинг "Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ишлаб чиқилган "Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, у иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари барқарорлигига ҳам хизмат қилади.

**Обиджон ЮНУСОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҚИШЛОҚДА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – БАРКАМОЛ АВЛОДНИ САМАРАЛИ ТАРБИЯЛАШ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муҳокама давомида давра суҳбати иштирокчилари касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини тамомлаган ёшлар эгаллаган замонавий билим ҳамда кўникмаларини қишлоқ инфратузилмаси объектларида амалда қўллаши учун уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига жалб этиш масалалари билан боғлиқ қабул қилинган қонунлар ҳамда дастурларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш бу борада муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратдилар.

Давра суҳбати иштирокчилари томонидан миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тушунтириш ишларини кучайтириш, туман ва вилоят марказларида касб-ҳунар коллежлари билан йирик корхоналар ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш имконини яратувчи иш ўринларининг ихтисослаштирилган ярмаркаларини ташкил этиш орқали касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш юзасидан таклифлар билдирилди. Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган комплекс тадбирларни амалга ошириш, таълим-тарбия жараёнини, айниқса, менежмент ва компьютер технологиялари бўйича билим ва кўникмалар беришни янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Давра суҳбати чоғида қишлоқ аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг театрлар, концертлар, музейлар, тарихий ва меъморий ёдгорликларга боришини ташкил қилиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастуридаги комплекс чора-тадбирлар, шунингдек, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» деб номланган ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" маърузаларида ўртага қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан давра суҳбати қатнашчилари томонидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбирда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Тошкент давлат аграр университети раҳбарлари ва мутахассислари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

**(ЎзА).**

# ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ – ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Икки томонлама ҳамкорлик ижтимоий соҳада ҳам жадал ривожланмоқда. Тошкентда ташкил қилинган Италия технологиялари ҳафталиги, машҳур композитор Жакомо Пуччини таваллудининг 150 йиллигига бағишланган халқаро опера санъати фестивали, Рим ва Миланда ўтказилган Ўзбекистон иқтисодий салоҳияти ва Казертада ташкил этилган Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдимотлари, Сиракузада ўтган Ўзбекистон кунлари шулар жумласидандир. Икки мамлакатнинг олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассасалари ўртасида яқин алоқа йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик ва италиялик олимлар, тадқиқотчилар қуёш физикаси соҳасидан археологик қазишмаларгача бўлган кўплаб йўналишларда изланишлар олиб бормоқда.

— Ўзбекистон билан Италия ўртасида кўплаб соҳаларда алоқаларни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд, — деди Никола Боно. — Бир неча ҳафта аввал Италиянинг Сиракуза шаҳрида Ўзбекистон кунлари ўтказилди. Унда италияликлар юртингизнинг сармоя ва сайёҳлик борасидаги салоҳияти, урф-одат ва анъаналари билан танишиш имконига эга бўлдилар. Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатларни, маданият ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларнинг бугунги аҳволи ҳамда истиқболи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сайёҳлик компаниялари, маданият ва санъат муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**



**Интилиш**

# Бежирим, сифатли ва арзон либослар

***Мамлакатимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар туфайли чекка ҳудудларда ҳам кўплаб корхоналар барпо этилаяпти. Натижада қўшимча иш жойлари ташкил қилиниб, ички бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар тайёрланмоқда.***

Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманидаги "Алгоритм" кичик корхонасида, асосан, тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бу ерда 15 нафар киши доимий, 9 нафар киши эса касаначилик асосида меҳнат қилади. Улар томонидан тайёрланаётган бежирим кийим-кечакларнинг сифати юқори, нархи бирмунча арзонлиги боис талаб тобора ортиб бораётир.

Яқинда корхона жамоаси ўқувчилар сумкаси ва "Тез ёрдам" автомашиналари ҳайдовчилари учун махсус кийим-бош тикишни йўлга қўйди. Бу маҳсулотлар буюртма асосида мижозларга пешма-пеш етказиб берилаяпти.

**СУРАТДА:** кичик корхона иш юритувчиси (ўнгда) Шоҳиста Мамадалиева ва тикувчи Ҳуринисо Саидова.

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлат ҳокимияти органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, Олий хўжалик суди судьялари, илмий маслаҳат кенгаши аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси Д. Мирзакаримов бошқарган мажлисда мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири, бу — солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлашдан иборатлиги таъкидланди.

**Тадбир**

Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимида кейинги йилларда ислоҳотлар янада чуқурлаштирилмоқда. Шундан келиб чиқиб, хўжалик судлари фаолиятида асосий эътибор қонунийлик ва адолатни таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, қабул қилинган қонунларни амалиётга татбиқ этишдан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга қаратилмоқда.

Хусусан, ушбу пленум мажлиси муҳокамасига киритилган "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарор лойиҳаси хўжалик судларига хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги низоларни Солиқ кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳал этиш масалалари юзасидан аниқ тушунтиришлар бериш ҳамда мазкур масала бўйича суд амалиётида Кодекс нормаларини бир хилда ва тўғри қўллашга қаратилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида солиқ сиёсати ва тизимини янада ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси маъқулланиб, Президентимиз томонидан имзоланганидан сўнг, 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган эди.

Ўтган давр мобайнида республика хўжалик судларида хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат солиқ хизмати органлари ўртасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда етказилган зарарни ундириш, хўжалик юритувчи субъектларга молиявий санкциялар қўллаш каби низолар ҳал этилган.

Статистик маълумотларга кўра, республика хўжалик судлари томонидан 2009 йилда солиққа оид қонун ҳужжатлари билан боғлиқ кўрилган ишлар миқдори 113 мингдан ортиқ (2008 йилда — 97 минг) бўлса, жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида мазкур соҳа билан боғлиқ 35 мингга яқин иш кўриб чиқилиб, ҳал этилган.

Пленум мажлисида сўзга чиққанлар солиқларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни, суд амалиётида шу соҳага оид қонун ҳужжатларини қўллашда юзага келаётган айрим масалалар, уларнинг ечими борасида баҳс ва мунозаралар юритдилар.

Йиғилишда кўриб чиқилган масала бўйича қабул қилинган пленум қарори, ҳеч шубҳасиз, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш, қонунийлик ва одил судловни таъминлашга хизмат қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди матбуот хизмати.**

***Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида "Барчамиз оддий бир ҳақиқатни англаб олишимиз даркор — инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди", дея алоҳида таъкидлаб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни аниқ белгилаб берган эди. Унга кўра, жорий йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз кўп хорижий сармоялар жалб қилиниши мўлжалланган. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг ҳажми эса 46 фоизга ошади.***

# ТАРКИБИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР ТАЯНЧИ

## Тўғридан-тўғри инвестициялар иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаяпти.

Биринчи чоракда мазкур йўналишда эришилган натижаларга назар ташланса, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 929,8 миллион АҚШ долларини ташкил этгани, яъни ўтган йилнинг январь — март ойларига қараганда 2,6 бараварга ўсганлиги намоён бўлади.

Демак, белгиланган кенг кўламли вазифа ва лойиҳалар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, дастлабки уч ойнинг ўзида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастури бўйича 30 га яқин лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги кўплаб корхоналар фаолиятида туб бурилишлар юз бера бошлади. Хусусан, "Ўзэлектроаппарат-электрощит" очиқ акциядорлик жамиятида уч йил олдин ҳажми катта, ташқи кўриниши эътиборни жалб этмайдиган трансформаторлар тайёрланар, бу, ўз навбатида, бўй-бастига яраша металл, мослама ва бошқа электр жиҳозларини тақозо этар эди. 2008 йилдан бошлаб эса ихчам, сифати ва дизайни жиҳатдан бугунги талабларга жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришилди. Пировардида сарфланадиган металлнинг ўзи икки бараварга, ускуна-ашёлар ҳам шунча миқдорда қисқарди.

Табиийки, таркибий ўзгаришлар ҳеч бир жамоада ўз-ўзидан, ҳамирдан қил суғургандек, осонгина рўй бермайди. Боз устига, электр ускуналари тайёрловчи мазкур корхонада технологик жараёнлар эскирган, замонавий, экспортга йўналтирилган маҳсулот тайёрлаш учун ишлаб чиқаришни тўла янгилаш зарур эди. Мутахассислар янги технологиялар учун кетадиган сарф-харажатларни ҳисоб-китоб қилиб кўришганда, унинг қиймати 5,5 миллион АҚШ долларига тенг эканлиги маълум бўлди. Сармояни қандай ҳал қилиш керак? Бу саволга ҳам аниқ жавоб топилди — хорижий ҳамкорларнинг тўғридан-тўғри инвестициясини жалб этиш лозим.

**Ислоҳот**

Корхонанинг иш жараёнини кузатамиз. Плазмали ускунанинг ойнаванд хонасида металл юзасига йўналтирилган игнадай нурлар мураккаб геометрик шаклларни кет-ма-кет тайёрлаб бермоқда. Ундан сал наридаги компьютерлаштирилган дастгоҳда электр ускунасининг сийратига мос бўлган қисмлар ясалмоқда. Бўяш цехига ҳам янги технология ўрнатилгач, уларнинг ранги янгича жозиба, юқори сифат касб этди. Шу тариқа корхона ишлаб чиқариши 80 фоизга янгиланиб, маҳсулот ҳажми, тури, экспорт салоҳияти тубдан яхшиланди.

Жамият бош директори ўринбосари Турсун Жалилов эътиборимизни яна бир жиҳатга қаратди. Ҳозирги пайтда корхона маҳсулотларининг аксарият қисми маҳаллий материаллар ва хом ашёлардан тайёрланаётган бўлса, Маҳаллийлаштириш дастурининг бу йилги ижроси туфайли бу миқдорни 90 фоизга ошириш имкони яратилар экан. Шунингдек, корхонада 2009 йилда 3 миллион 760 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткични 4 миллион 300 минг АҚШ долларига етказиш мўлжалланган. Бошқа йўналишлар бўйича режалар кўламини ўз вақтида бажаришга, янги лойиҳаларни жорий этиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Улар ҳисобига корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури йил давомида 12 тага кўпайиб, умумий сони 47 тага етади.

Лойиҳа — инвестиция — самара. Шу нуқтаи назардан корхоналар фаолиятига ёндашилса, биринчи навбатда, уларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар асос қилиб олинади. Бу бежиз эмас. Айнан шу йўналишлардаги дастурлар ижросининг таъминланиши ҳар бир ишлаб чиқариш жамоасининг замонавий қувватлари салоҳиятига, маҳсулотлари сифатига кафолат вазифасини ўтамоқда.

Жалақудуқ туманидаги "СПЗ Беарингиз" қўшма корхонасида, масалан, тўғридан-тўғри чет эл сармоясини жалб этиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари кескин ортиб бораяпти. Бу ерда дастлабки кезларда 200 турдаги подшипник тайёрланган бўлса, бугунга келиб, уларнинг тури 600 дан ортиб кетди. Ишлаб чиқариш тизимини техник қайта жиҳозлаш учун эса 368 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу ерда тайёрланаётган тоғ-кон, металлургия, кимё, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳалари учун бутловчи қисмлар наинки ўзимизда, балки хорижда ҳам харидоргир.

Тошкентдаги дори воситалари ишлаб чиқарувчи "Remedy" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бундан беш йил муқаддам 4 турдаги маҳсулот тайёрлашдан бошлаган эди. Ҳозирги кунда уларнинг тури 25 баравар кўпайди. Бунда хорижий ҳамкорларнинг янги технологиялар учун тўғридан-тўғри сармояни аямаётганлиги таянч ва қанот бўлаяпти. Мисол учун, ўтган йиллар мобайнида ярим миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция йўналтирилиши 100 турдан ортиқ таблетка, капсула, мазь, сироп, инъекция учун идишли антибиотикларни ишлаб чиқариш имкониятини яратди. Айтиш жоизки, бу дори-дармонларнинг ҳаммаси яқин кезларгача юртимизга хориждан валюта эвазига келтирилар эди. Уларнинг мазкур корхонада тайёрланиши туфайли ўтган йилнинг ўзидаёқ 3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ тежалиб, ички бозор ўзимизнинг юқори сифатли дори воситалари билан таъминланди, янги иш ўринлари яратилди.

Иқтисодиётимизда рўй бераётган бундай таркибий ўзгаришлар мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификация қилишга йўналтирилаётган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг натижасидир, албатта. Дарҳақиқат, узоқ муддатга мўлжалланган фаол инвестиция сиёсатининг ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилаётгани барча тармоқларнинг эртанги тараққиёт кўламини янада кенгайтириб, юксак самара беришига мустаҳкам замин яратмоқда.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Жигарранг гуручнинг фойдаси

***Мутахассислар қандли диабет билан касалланган одамларга кўпроқ жигарранг гуруч истеъмол қилишни тавсия этишмоқда.***



Чунки мазкур маҳсулотдан кунига 50 грамм миқдорида қабул қилиш касталик асоратлари ривожланишини 16 фоизга камайтираркан. Оқ гуруч, аксинча, 17 фоиз салбий таъсир кўрсатаркан.

Бунинг изоҳи жуда оддий: оқ гуруч қайта ишланади ва бу жараёнда унинг таркибидаги минерал ҳамда витаминлар йўқолиб кетади. Тозаланган гуруч инсон организмига тез сингганi боис қон таркибида қанд моддасини ошириб юбориш эҳтимоли юқори бўлади.

## Автомобилсозлар талаби

***Хитойдаги "Toyota Motor" автомобилсозлик компанияси бўлимларидан бирида иш ташлаш уюштирилди.***



Тянжин шаҳридаги "Toyoda Gosei" корхонасида бўлиб ўтаётган тадбирда иштирок этаётганлар ойлик маошлари миқдори оширилишини талаб қилишмоқда.

Албатта, намойиш корхона фаолиятига таъсир кўрсатмай қолмади. Ҳозир бу ерда машиналар йиғиш тўхтаб қолган.

## Табиат инжиқликлари

***Мьянма мамлакатининг шимоли-ғарбида сув тошқинлари ва кўчкилар кузатилмоқда, дея хабар тарқатди "Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги.***



Бунга қарийб бир ҳафтадан буён тинимсиз ёғаётган ёмғир сабаб бўлган. Табиий офат 57 кишини ҳаётдан олиб кетди. Қарийб икки минг одам яшаш жойини тарк этишга мажбур бўлган. Юзлаб тураржой бинолари, таълим муассасалари ва кўприкларга жиддий зарар етган.

Табиатнинг бу каби инжиқлиги Бангладеш давлатида ҳам кузатилаётир. Бу ерда элликдан ортиқ одам ҳалок бўлгани айтилмоқда.

## Поездлар тўқнашуви

***"Welt" нашрининг ёзишича, Германияда юк ташувчи ва йўловчи поезд тўқнашиб кетди.***



Кўнгилсизлик "Брауншвейг — Ганновер" йўналишида юз берган.

Гап шундаки, юк ташувчи поезд машинисти йўлни адаштириб юборган ва йўловчи поезди келаётган томонга чиқиб кетган. Улар бир-бирига урилиши оқибатида 20 га яқин одам енгил тан жароҳати олган.

Ҳар икки поезд бошқарувчиси омон қолган.

## Янги тартиб жорий этилмоқда

***Сан-Франциско шаҳри маъмурияти "Ҳудуддаги савдо мажмуаларида сотилаётган мобиль алоқа воситаларининг инсонларга нечоғли салбий таъсир этиши аниқ кўрсатилиши шарт", деган фикрни илгари суришмоқда.***



Бу борадаги қонун лойиҳаси бир овоздан маъқулланган ва у кейинги ҳафтада имзоланиши кутилмоқда. Мазкур ҳужжатга асосан, ҳар қандай русумдаги қўл телефони савдога қўйилаётганда, унинг одам танасига электромагнит энергияси таъсирини кўрсатувчи маълумотномаси ҳам бўлиши шарт.

Мобиль алоқа воситалари савдоси билан шуғулланувчи компаниялар вакиллари янги қоида мижозларни харид чоғида чалғитиши мумкин, деган хавотирдалар.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

***Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий қўғирчоқбозлик санъати фестивали бўлиб ўтди.***

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРАННУМИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда ҳаваскор театрлар жамоалари, миллий услубда қўғирчоқ ясовчи ҳунармандлар ҳамда ёш томошабинлар иштирок этди.

Айтиш жоизки, ушбу байрамона фестиваль ёш авлодни миллий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадга ҳамоҳанг эканлиги билан аҳамиятлидир. Қолаверса, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда самарали фаолият юритаётган ҳунармандларимиз ижодини кенг миқёсда тарғиб этишда ҳам бу каби тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

— Ота-боболардан мерос анъаналарнинг мазмун-моҳиятини фарзандларимиз онгу шуурига янада чуқурроқ сингдиришимизда миллий қўғирчоқлар ва халқ эртаклари қаҳрамонлари энг таъсирчан воситалардан бири саналади, — дейди хоразмлик санъаткор, "Жайҳун" театрининг бадиий раҳбари Мансурбек Қурязов. — Зеро, ўзбекона қадриятларимизга хос кийиниш одоби, ибо, ҳаё ва андиша хислатлари моҳирона акс эттирилган бундай санъат асарлари ёшларимизни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялайди. Театримиз жамоаси билан мунтазам равишда мактабгача таълим масканлари, истироҳат боғлари ва ёшлар ижодиёти марказларида бўлиб, халқ эртаклари ва достонлари асосида саҳналаштирган спектаклларимизни намойиш этмоқдамиз.

Мансурбек Қурязов бошчилигидаги театр жамоаси Бельгия, Франция, Германия, Италия, Россия, Таиланд каби ўн бешдан зиёд мамлакатда бўлиб ўтган нуфузли халқаро санъат фестивалларида муваффақиятли иштирок этиб, хорижлик санъат ихлосмандларининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Эътиборлиси шундаки, театр ижодкорлари ўзлари жонлантиражак эртак қаҳрамонларини ўз қўллари билан яратадилар. Фестиваль доирасида ташкил этилган миллий қўғирчоқлар кўргазмасида мазкур жамоа аъзоларининг шу каби ижод намуналари намойиш этилди. Кўргазмадан ўрин олган қорақалпоғистонлик ҳунармандлар ижодига мансуб санъат асарлари ҳам тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирганига гувоҳ бўлдик.

Фестивалда, шунингдек, Республика қўғирчоқ театри жамоаси ҳамда ҳаваскор бадиий жамоаларнинг саҳна асарлари жажжи мухлислар эътиборига ҳавола қилинди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---



***Юртимизда билимли, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни камол топтириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бинобарин, Президентимиз қарори билан тасдиқланган "Баркамол авлод йили" Давлат дастурига мувофиқ, ўғил-қизларнинг замонавий асосда пухта билим олиши учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилган.***

# «ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!»

Айниқса, улар кўркам ва муҳташам, нуфузли таълим даргоҳларида халқаро талаблар асосида пухта сабоқ олмоқдалар.

Сиз суратда кўриб турган мана бу бахтиёр ёшлар жорий йилда Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомладилар. Шу муносабат билан ушбу илм масканида "Оқ йўл сизга, битирувчилар!" мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда университет ўқитувчи-профессорлари, фахрий журналистлар, ота-оналар, талаба-ёшлар иштирок этди.

— Кейинги йилларда факультетимиз замонавий ўқув жиҳозлари, журналистикага оид техника воситалари билан жиҳозланди, — дейди мазкур факультет декани Насимхон Раҳмонов. — Бу мамлакатимизда малакали кадрларни тайёрлашга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайлидир. Жорий ўқув йилида билим даргоҳимизни 130 дан ортиқ бакалавр ва магистр ҳамда 30 нафар олий журналистика курси тингловчиси тамомлади.

— Бугун биз, ёшларнинг камолоти йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди битирувчи Шоҳсанам Хидирова. — Университетда таълим олиб, билимимни бойитишга, турли хорижий тилларни пухта ўрганишга муваффақ бўлдим.

Тадбирда ўқиш давомида ўз билими, хулқи ва одоби билан ажралиб турган битирувчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Ўз навбатида, битирувчилар янги мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасида юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшишга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган сурат.**

---

*Тошкент шаҳридаги Алоқа тарихи музейида "Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати"нинг тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбек тилидаги мазкур изоҳли луғат БМТ Тараққиёт дастурининг ICTP лойиҳаси доирасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш кўмагида тайёрланди.*

## Ахборот-коммуникация технологиялари:

# ЯНГИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

**Тақдимот**

Анжуманда таъкидланганидек, "Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати"нинг биринчи нашри 2004 йилда чоп этилган эди. Ўтган давр мобайнида АКТ тизимида кўплаб замонавий атамалар пайдо бўлгани, қолаверса, ўқувчиларнинг нашрга нисбатан эҳтиёжининг ортиши луғатнинг янги таҳририни ишлаб чиқиш заруратини туғдирди. Шу тариқа 2009 — 2010 йилларда дастлабки нашрнинг мантиқий давоми сифатида иккинчи луғат тайёрланди.

Бу галги нашрда 4000 дан ортиқ замонавий атамалар, тушунчалар ва қисқартмалар қамраб олинган. Шу билан бирга, у ўзида 450 дан зиёд диаграммалар, расмлар, фотосуратлар ва логотипларни жамлаган. Энг муҳими, турли йўналишдаги 20 та рангли қўшимча, инглизча-ўзбекча ва русча-ўзбекча атамалар луғатлари, юртимиз ҳамда жаҳонда АКТ ривожланиш тарихи алоҳида-алоҳида баён этилган.

Нашр муаллифлари янги луғатни тузишда нафақат халқаро тажрибани, балки ўқувчилардан келиб тушган таклиф-тавсиялар ва мулоҳазаларни ҳам ҳисобга олдилар. Натижада нашрда АКТ ривожланишининг анъанавий йўналишларидан ташқари, бугунги кунда долзарб бўлган биометрик технологиялар, сунъий йўлдош орқали ишловчи навигация тизимлари, электрон ҳукумат, эркин ва очиқ дастурий таъминот, телетиббиёт каби янги йўналишларни қамраб олишга эришилди.

**С. РАҲМОНОВ.**

---

**«Келажак овози — 2010»**

# ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

**Иқтидорли, истеъдодли ёшларни кашф этиш ва уларни рағбатлантиришда "Келажак овози" республика кўрик-танловининг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда.**

"Фонд Форум", "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу тадбирда минглаб ёшлар иштирок этмоқда.

Хусусан, Гулистон шаҳрида ҳам ушбу танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 200 дан ортиқ ўқувчи ёшлар "Ахборот технологиялари ва рационализаторлик таклифлар, техник ишланмалар", "Архитектура ва дизайн", "Миллий ва амалий санъат", "Бадиий ижод ва публицистика" номинациялари бўйича ўз билимларини синовдан ўтказдилар.

Танлов ҳайъатининг хулосасига кўра, вилоят босқичининг тўрт номинация бўйича 15 нафар ғолиби республика танловига йўлланма олди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

***Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг асосий қон томирлари ҳисобланган йўлларни янада ободонлаштириш, йўлсозликни тараққий топтириш, янгидан-янги йўллар барпо этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.***

# ЁРУҒ МАНЗИЛЛАРГА ТУТАШГАН ЙЎЛЛАР

**Бунёдкорлик**

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам сўнгги йилларда ушбу йўналишда мақтовга арзирли ишлар бажарилаётир. Мамлакатимизнинг шимолий сарҳадларига туташ ушбу минтақага сафаримиз асносида йўлсозлик соҳасида эришилаётган ютуқларнинг бевосита шоҳиди бўлдик.

Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 14 ноябрдаги "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қорақалпоғистонлик йўлсозларнинг ҳам иш фаолиятида етакчи мезонга айланган. Улар асосий эътиборни ҳудуддаги халқаро ва давлат аҳамиятига молик автомобиль йўллари хизматини узлуксиз ташкил қилиш, ушбу йўлларнинг ҳар жиҳатдан қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, йўл мулкини сақлаш ҳамда ундан самарали фойдаланишга қаратмоқдалар.

Бугунги кунда мазкур корхона тасарруфига халқаро аҳамиятга молик 777 километр, давлат аҳамиятига эга 1899 километр, жами 2676 километр умумий фойдаланишдаги йўл киритилган. Шу йўлларнинг 1446 километрини қаттиқ (асфальтбетон), 1229 километрини юмшоқ (қора) қопламали йўллар ташкил қилади. Шунингдек, ҳудуддаги 684 та кўприк, икки туннель, ўнта йўлўтказгич ҳам мазкур корхона назорати остидадир.

Ёмғир, сел ва бошқа турли табиий офатлар йўллар ва кўприкларга тез-тез зарар етказиши азалдан маълум. Бундай табиий офатлар ушбу минтақада ҳам содир бўлиб туради. Ўтган йили "Урганч — Чолиш — Беруний" йўналиши ҳамда Тахиатош бройлер фабрикаси тармоқ йўлидаги кўприклар табиий офат натижасида сезиларли зарар кўрган эди. Ҳар икки жойда ҳам узунлиги 18 метрни ташкил этадиган, биринчи тоифали иккита замонавий кўприк фойдаланишга топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 январда қабул қилинган қарорига асосан, Нукус темир йўл вокзалига тармоқ автомобиль йўлининг беш километрлик қисмида, Қўнғирот шаҳридаги битта кўприкда ва ички автомобиль йўлининг уч километрлик қисмида таъмирлаш ишлари бажарилди.

Корхона Оролбўйи минтақасидаги йўл хўжалиги истеъмолчиларига инерт материаллари етказиб бериш билан шуғулланади ва буюртмачиларни 272 минг кубометр ҳажмда ана шундай маҳсулотлар билан таъминлаб, икки миллиард сўмдан ортиқ даромад қилди.

Корхонанинг бунёдкорлик соҳасидаги эзгу ишлари жорий йилда ҳам самарали давом этиб келаётир. Йилнинг биринчи чорагида ҳукуматимизнинг бир қатор муҳим ҳужжатлари ижроси юзасидан Республика йўл жамғармаси билан "Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнов" автомобиль йўлининг тегишли қисмини реконструкция қилиш бўйича 28 млрд. 156 млн. сўмликдан зиёд пудрат шартномаси имзоланди. Ўтган чоракда мазкур лойиҳа бўйича 1 млрд. 970 млн. сўмлик иш режалаштирилган бўлса, шу давр ичида амалда 4 млрд. сўмликдан зиёд иш бажарилди ва бу борадаги режа 203 фоиз уддаланди. Йил охирига қадар ушбу йўлнинг беш километр узунликдаги қисми тўлиқ фойдаланишга топширилади.

Корхонадан олинган маълумотларга кўра, тўртта объектда 1 млрд. 629 млн. сўмлик ўрта таъмирлаш ишлари бажарилиши ҳам кўзда тутилган. Жумладан, "Нукус — Чимбой — Тахтакўпир" йўналиши, Нукус шаҳридаги Мустақиллик майдони, Халқлар дўстлиги ва Аэропорт кўчалари замон талаблари даражасида таъмирдан чиқарилади.

Бу ўринда мазкур жамоа билан бир сафда туриб меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон Кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг фаолияти хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Юқорида тилга олинган "Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнов" йўлининг 812 — 866 километрларидаги реконструкция ишларида мазкур корхона бош пудратчи сифатида иш олиб бораётир. Ана шу йўналишдаги ишларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Йўл жамғармаси томонидан 19 млрд. 137 млн. сўм маблағ ажратилган.

— Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги инвестиция дастури тўғрисида"ги ҳамда "2009 — 2014 йилларда Ўзбек миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижроси юзасидан салмоқли ишларни амалга оширмоқдамиз, — дейди корхона директори Р. Жолдасов. — Шу кунларда бу ерда икки сменада қурилиш ва таъмирлаш ишлари жадал давом этаётир. Мазкур ишларга 60 та қудратли техника сафарбар қилинган. Қурувчи ва бошқа ишчи-хизматчилар учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Йил охиригача зиммамизга юкланган вазифаларни адо этиш ниятидамиз.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.** t

---

***Мамлакатимизда солиқ тизимини модернизациялаш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш масаласига устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Президентимизнинг 2005 йил 8 июлдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.***

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОФАТИ

**Изланиш**

Жиззах вилоятида, айтиш мумкинки, мазкур ҳужжатлар ижроси бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Энг аввало, давлат солиқ идоралари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиб, тизим автоматлаштирилаяпти, солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш учун ахборот хизматлари кўрсатиш янада такомиллаштирилаётир. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни тақдим этишда электрон ҳужжат айланишини жорий этиш вазифаси босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мутахассислар фикрича, ҳисоботлар электрон кўринишда топширилганда, турли хатоликларнинг олди олинади. Энг муҳими, уни ўз вақтида компьютер орқали узатиш мумкин. Бундан ташқари, унинг махфийлиги таъминланади, иш вақти тежалади. Ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилмайди.

— Жорий йилнинг 1 июнига қадар 1585 нафар солиқ тўловчи электрон рақамли имзога эга бўлди, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси юридик шахсларга солиқ солиш бўлими бош инспектори Фазлиддин Музаффаров. — Бугунги кунда улар ҳисоботларни электрон тарзда жўнатиш, қабул қилиш ва қайта ишлашда интерфаол хизматлардан кенг фойдаланишаяпти. Ҳозиргача электрон тарзда тақдим этилган ҳисоботлар сони 3000 тага етгани замонавий усулнинг афзалликларини яққол кўрсатиб турибди.

Тизимга замонавий технологияларни жорий этиш ишлари, айниқса, Жиззах шаҳри, Ғаллаорол, Бахмал ва Пахтакор туманларида яхши йўлга қўйилган. Ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаб, электрон имзо қулайликларидан самарали фойдаланилаётган "Иккиламчи қора металл" шўъба корхонаси, "Автотеххизмат" АЖ, Миллий банкнинг вилоят филиали ва бошқа корхона ҳамда муассасалар иш тажрибаси кенг оммалаштирилаяпти.

Шу билан бирга, вилоятда солиқ тўловчиларнинг талабига кўра, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида ахборот тақдим қилиш хизмати ҳам йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаяпти.

Давлат солиқ идоралари томонидан таклиф этилаётган бу каби интерфаол хизматлар солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигидаги барча ўзгариш ва янгиликларни тезкор олишларига хизмат қилмоқда.

**Бахриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.** t

---

IPOTEKA BANK

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

# «ИПОТЕКА-БАНК»

**«FAST PAY» («Classic-PT 2») информацион тўлов киоскалари ва «NCR Self Serv 6622» банкомат қурилмаларининг техник таъминотини таъминлаш, сервис хизмати кўрсатиш ҳамда дастур кузатувини таъминлаш (Tell Me) бўйича танлов эълон қилади.**

Танловда қатнашиш истагидаги ташкилотлар танлов шартларини **2010 йил 28 июнга қадар** олишлари мумкин.
Тижорат таклифлари **2010 йил 5 июль куни соат 12.00 га қадар** қабул қилинади.

Танлов шартларини олиш ҳамда тижорат таклифини тақдим этиш манзили:
**100000, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 17-уй, «Ипотека-банк» АТИБ биноси.**
Маълумот учун телефонлар: **(8-371) 150-98-23, 150-98-12, 233-61-06.**

591R/729



19 июнь — Жаҳон болалар футболи куни

# КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

***Ҳаётда бир маротаба бўлсин тўп тепмаган, футбол ўйнамаган одамни топиш қийин. Табиийки, барчамиз болалигимиздан бу мафтункор ўйиннинг шайдоси, таъбир жоиз бўлса, "жинниси" бўлганмиз. Бугун ажойиб дриблингию чиройли финтлари билан ҳайратимизни ошираётган футболчиларнинг барчаси дастлабки қадамларини болалар футболи орқали ташлашгани ҳеч кимга сир эмас.***

Қачонлардир Эдсон Арантес ду Насименту исмли етти яшар болакай оёғида бутсаси йўқлиги учун ҳакам томонидан майдондан четлаштирилганида, кўз ёшларини тиёлмаган экан. Унинг келажакда ўз ҳаракатлари билан дунёни лол қолдириши, футбол қироли сифатида эътироф этилувчи машҳур Пелега айланишига, балки шу воқеа ҳам сабаб бўлгандир.

Эътибор берганмисиз, аксарият болалар "Катта бўлганингда ким бўласан?" деган саволга, ҳеч иккиланмай, "футболчи", дея жавоб қайтаришади. Бироқ уларнинг айримларигина ҳаётини спортнинг айнан шу турига боғлайдилар. Футбол ана шундай ким учун армон, ким учундир ҳаёт мазмунига айланган, чинакам маънода миллионлар ўйинидир. Зеро, футболчи бўлолмаган болакай ҳам кейинчалик ундан юз ўгириб кетмайди: у футболнинг энг билимдон мухлиси, ашаддий ишқибозига айланади. Асосийси, майдонда тўп тепиш болаларнинг соғлом ва баркамол бўлишларига хизмат қилади. 19 июнь санасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан "Жаҳон болалар футболи куни" деб белгиланишида ҳам мазкур жиҳат алоҳида эътиборга олинган. Зеро, спорт баркамоллик, эпчиллик ва соғломлик гаровидир.

Шу маънода, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини, жумладан, футболни ривожлантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ҳамда 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Президентимизнинг юқоридаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилган эди. Унинг асосий фаолият йўналиши болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантиришга қаратилган.

Бундай эътибор натижасида ёш футболчиларимиз турли халқаро турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда. Бундан беш йил муқаддам фаолият бошлаган "Пахтакор" профессионал футбол клуби қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаби ҳамда академияси ёш иқтидорларни тарбиялашга ихтисослашган таълим масканларидан ҳисобланади.

— Футбол мактабимизга республикамизнинг турли вилоятларидан келган болалар етти ёшдан бошлаб қабул қилинади, — дейди катта мураббий Дилшод Нуралиев. — Тажрибали мураббийларимиз жойларда селекция ишларини олиб бориб, энг иқтидорли ёшларни мактабимизга олиб келишади. Улар ўн уч ёшга етганларида яна бир синов ўтказилиб, энг кучлилари академияга қабул қилинади. Машғулотлар шунга яраша кучайтирилган ҳолда давом эттирилади. Яъни тенг ёшли болалар учта гуруҳга ажратилган ҳолда машғулотларда қатнашишади. Қобилиятига қараб уч гуруҳга бўлинишади. Шу тарзда улар академияда олти йил давомида катта футболга тайёрланишади.

Айни пайтда "Пахтакор" жамоаси қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабида 600 нафар, академияда эса 150 нафарга яқин ўсмир тажрибали мураббийлар ёрдамида ўз маҳоратини оширмоқда. Қувонарлиси, академиянинг ёш футболчилари эришаётган натижалар салмоқли бўлаётир. Жумладан, ўтган йили Украина ва Россияда ташкил этилган халқаро турнирда 1996 йилда туғилган ўсмирлар жамоаси, жорий йилги мусобақада эса 1997 йилда туғилган ўсмирлар жамоаси совриндор бўлиб қайтди.

— Ўтган йили Украинада ўтказилган халқаро турнирнинг барча учрашувларида катта ҳисобда ғалаба қозонган эдик, — дейди академия тарбияланувчиси, Китоб туманининг Севаз қишлоғидан Миршод Файзиев. — Мен ҳимояда ҳаракат қилдим. Айниқса, финалда "Динамо" (Киев) клуби ўсмирларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратганимиз катта шов-шувга сабаб бўлганди. Албатта, бу ютуқларимиз Юртбошимизнинг бизга кўрсатаётган ғамхўрликлари самараси, деб биламиз.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида 2008 — 2009 йилларда "Нефтчи", "Қизилқум", "Машъал", "Насаф" футбол клублари болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг маъмурий ва қўшимча бинолари таъмирланди. "Динамо", "Машъал", "Қизилқум", "Бухоро" жамоалари футбол мактабларида янги майдонлар қурилиб, уларга зарур транспорт воситалари берилди.

Болалар ва ўсмирлар футбол мактабларига бу қадар юксак эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Боиси, юқорида айтганимиздек, катта майдонга илк қадам болалар футболидан бошланади. Ишончимиз комилки, бугун ғалабанинг илк нашидасини тотиб, мағлубиятдан тўғри хулоса чиқаришга ўрганаётган, интилишу изланишлари билан ҳеч кимдан кам эмасликларини намоён этаётган навқирон авлод вакиллари келгусида жаҳон ареналарида она-Ватанимиз шанини муносиб ҳимоя қиладилар.

Бунга эса тўла асослар бор.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

# КУМУШ МОМОНИНГ БОҒИ

***Ватанни қандай севиш керак? Унинг саждагоҳ каби азиз ва муқаддаслиги нимада акс этади? Онам айтардилар: "Самарқанднинг анжири, Наманганнинг олмаси, Тошкентнинг жийдаси, Андижоннинг нашватиси, яна қанчадан-қанча ноз-неъмат — ҳаммаси ризқу насиба. Ризқу насибани Худо беради, ота-она эса тарқатади. Мениям, сениям, эртага туғилажак болаларингниям меҳрибон ота-онаси — Ватан. Уқдингми?" Тўғриси, ўшанда ақлим етмасди, нашвати, анжир, жийданинг Ватанга нима алоқаси бор, деб ўйлардим. Ҳар қалай мактабда ўқийман, саводим бор, аммо...***

Йиллар ўтди, адабиёт кўчаларида қалам кўтариб юриш насиб этди. Кунлардан бир кун ушбу шеърни ўқидиму онамнинг ўша мен тушунмаган сўзлари юрагимга урилди.

*Ҳавога боқсам мен*
*ҳаво оларман,*
*Тупроққа боқсам мен*
*дуо оларман.*
*Тупроқдан айрилсам*
*қайда қоларман...*

Ҳаво — анжир ҳидини, жийда — киндик қони тўкилган тупроқнинг ҳикматини, дуо — Ватаннинг мазмунини англатди менга. Бирданига ҳайқиргим келди, Ватан — бу дуо, жуда азиз, муқаддас, табаррук...

Йиллар бири-бирини қувиб ўтаверди. Юртимизга Истиқлол келди. Унинг Меъмори қалбларимизга Истиқлол ва Ватан сўзларини нақшу нигор этди. Ўзлигимиз қайтди, тарихимиз, орзу-умидларимиз қайтди. Энг муҳими, маънавият машъаласи порлади. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида шундай сўзлар бор: "Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади".

Насл-насабни билиш, етти пуштни ҳис этиш — кўнгилни поклайди. Нафақат поклайди, бугуннинг қадрини билдиради, эртанги кунларни хатоликлардан асрайди. Эсимда, қишлоғимизда Кумуш момо яшарди. Жудаям маъюс, кўзи тўла ғам, бели букчайган. Бироқ кўнглида аллақандай бир умидни асраб юрарди. Унинг Яратгандан тилаб олган ёлғиз фарзанди Худойберди Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Лекин момо "қора хат"га ишонмай, йиллар давомида туну кун кўз тутиб йўл пойлаган. "Кимни кутаяпсиз, момо?" деб сўрашса, "Ўғлимни", дея жавоб қайтарарди. Ўтган аср олтмишинчи йилларининг ўртаси эди. Худойберди акани қишлоқ аҳли кутардик. Гўё у келадию қишлоғимиз бошқача бўлиб кетадигандек. Кумуш момони даст кўтариб елкасига опичлаб, уйма-уй кириб чиқадигандай ва биз у билан бир товоқдан ош ейдигандай. Ажиб хаёллар чарх урарди бошимизда. Момо баъзида биз билан суҳбат қурарди. У бу эски оламда ҳаммаси ўз навбати билан, оналар болаларни қолдириб кетишади, болалар яна ўз болаларини... ва шунга ўхшаш гапларни айтарди.

Туйғу

Кумуш момо ўғлимнинг насибаси деб, кечқурун бир коса овқат олиб қўяр, кафтдеккина ердаги боғидан чиққан узумларни ҳовлисининг тўсинига осиб қўярди.

— Худойбердим келиб қолса, мана шу боғга эгалик қилади, мендан кейин бу боғ унга қолади-да, — дерди.

Боғдаги ҳар бир дарахт момо учун қадрли эди. "Токи ўғлим қайтиб келиб эгалик қилмагунча битта-яримтаси қуриб-нетиб қолмасин-да", дея қайғурарди.

Кумуш момо йўл қарай-қарай ахири кўзлари ожизланиб қолди.

У энди пайпаслана-пайпаслана боғ четидаги улкан дарахт остига бориб ўтирар, узоқ вақт ўй сурарди.

Баъзи бировлар унга:

— Момо, шу дарахтингиз узумларга соя солаяпти, кесиб ташласак қандай бўлади? — дегудек бўлса, бу гапни айтган одам кўзига балоқазодек кўриниб, уни ҳайдаб солишдан ҳам тоймасди.

Кумуш момо билан кекса дарахт қайсидир маънода бир-бирига ўхшарди: ёлғиз зурриётига кўз тутган Кумуш момо ўзининг ҳақиқий эгасини кутаётган кекса дарахт. Момонинг ташвиши мана шу кафтдеккина ердаги боғнинг абгор бўлиб кетмаслигида. Чунки бу боғ унинг ота-боболари, аждодлари боқийлигининг рамзи.

Кумуш момо қоқшол қўллари билан кекса дарахтнинг ғадир-будир танасини ёш гўдакни эркалаётгандек сийпаларди. Айтишларича, шу тариқа момо дарахтдан қандайдир куч-қувват олармиш. Шу асно кампир улуғвордек, пурвиқор дарахт навниҳолдек кўринар эди.

Кумуш момога одамлар:

— Момо, шу дарахтга боғландингиз-қолдингиз-а, сизни у сеҳрлаб, ўзига боғлаб қўйди, — дейишарди.

Бу гаплардан Кумуш момонинг чексиз ғусса чўккан юзларига табассум ёйиларди...

Бу гаплар мени узоқ йиллар ўйлантириб келади.

Энди Кумуш момо йўқ.

Унинг ёлғиз ўғли ҳам қайтмади.

Аммо қишлоқдошларим уларнинг боғини, дарахтларини асраб-авайлашди, шу-шу "Кумуш момонинг боғи" дея аталиб кетди у...

Ҳар ким ақалли ўзининг боғида, ҳовлисида, кўчасида, борингки, каттами-кичикми, эгаллаб турган вазифасида сидқидилдан меҳнат қилса, шу асно Ватан равнақига ўз ҳиссасини қўшади.

Зеро, Ватанга муҳаббат шундан бошланади.

Умуман, бу юртда ўсган ҳар бир дарахт, ифор таратган гул, майин чайқалган толлар ва жамики борлиқ аслида бошқача. Унга яхшилаб разм солинса, қалбингизга олам-олам ғурур оқиб киради. Бугун Кумуш момо ўғлининг исми Хотира хиёбонидаги темир лавҳада ўйиб ёзилган. Ахир не-не шариф аждодларимиз Истиқлол туфайли маънан тирилдилар, ноҳақ жабрланган зиёлиларимиз номи, қадр-қиммати эъзоз тахтига қайтди. Биз энди уйғоқмиз, биз энди Ватан деганда умримиз тугагунча ёниб яшаймиз.

**Шойим БЎТАЕВ.**

МАДАНИЯТ хабарлари

***Косонсой шаҳрида дорбозлар ва цирк жамоаларининг республика кўрик-фестивали ўтказилди.***

## Дорбозлар фестивали

Унда мамлакатимиз вилоятларидан қирққа яқин жамоа иштирок этди. Қизиқарли саҳна кўринишлари ва баланд дорда намойиш этилган ёрқин томошалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Якунда олий ўрин мезбонлар — Косонсой тумани маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги халқ дорбозлари жамоасига насиб этди. Фарғона тумани ҳамда Шаҳрисабз тумани вакиллари биринчи, Иштихон ва Юқори Чирчиқ тумани анъанавий цирк жамоалари кейинги ўринларни эгаллашди. Ғолиблар тадбир ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Истеъдодлар кашф этилмоқда

***Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрида "Ниҳол" мукофоти кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Унда 60 нафардан зиёд ёш истеъдодлар миллий эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқчилик, опера ижрочилиги ва рақс йўналишлари бўйича санъатларини намойиш этдилар.

Якунда ғолиб деб топилган ёш санъаткорлар танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТЕННИСЧИМИЗ ЯРИМ ФИНАЛДА

***Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин Истбурн (Буюк Британия) шаҳрида давом этаётган халқаро турнирнинг ярим финалига йўлланма олди.***

Спорт

Юртдошимиз мукофот жамғармаси 490 минг 657 АҚШ долларига тенг бўлган нуфузли мусобақанинг иккинчи турида АТР рейтингида 18-ўринда бораётган испаниялик Николас Альмагрога қарши кортга чиқди. Бор-йўғи 51 дақиқа давом этган беллашувнинг биринчи сети 6/4 ҳисобида вакилимиз фойдасига ҳал бўлди. Иккинчи сетда ҳисоб 1/0 бўлиб турганида Николас Альмагро ҳамюртимиз йўллаган кучли зарбани қайтариш чоғида нотўғри ҳаракатланиб, жароҳат олди ва мусобақани давом эттира олмаслигини маълум қилди.

Денис Истомин чорак финалда украиналик Ильей Марченко билан куч синашди. Шу кунгача иккала теннисчи расмий турнирларда ўзаро беш марта тўқнаш келишган. Унинг учтасида Денис Истомин, икки беллашувда эса украиналик теннисчи зафар кучган. Олтинчи учрашувда ҳамюртимиз қўли баланд келди. Икки сет давом этган беллашув 6/1, 6/4 ҳисобида Денис Истомин фойдасига ҳал бўлди.

Энди вакилимиз финалга чиқиш учун турнирнинг бешинчи рақамли теннисчиси, испаниялик Гильермо Гарсия-Лопесга қарши кортга чиқади. Иккинчи ярим финал жуфтлигида Микаэль Ллодра (Франция) ва Александр Долгополов (Украина) ўзаро беллашадилар.

**С. ИСЛОМОВ тайёрлади.**

Жаҳон чемпионати:

# ҲАМ ҲАЙРАТ, ҲАМ ЗАВҚ

***Футбол бўйича навбатдаги — XIX жаҳон чемпионатининг гуруҳ босқичи биринчи тур учрашувлари ниҳоясига етиб, иккинчи тур ўйинларига ҳам старт берилди. Аксарият мухлису мутахассисларнинг фикрича, тўрт йил орзиқиб кутилган мундиалнинг дастлабки тур баҳслари бир оз зерикарли кечгандай.***

Бунга голлар кам киритилгани ва жамоаларнинг, асосан, ҳимоявий тактика танлагани сабаб бўлди. Хусусан, илк тур якунлари бўйича дарвозалар 25 марта ишғол қилинибди. Бу ҳар бир ўйинга ўртача 1,5 тадан гол тўғри келади, деганидир. Ваҳолонки, 2006 йилда Германия мезбонлик қилган жаҳон чемпионатининг ушбу босқичида дарвозаларга 36 та тўп (ҳар бир ўйинга 2,25 тадан) киритилганди.

Одатда, жаҳон чемпионати бошланишидан аввал кимнинг фаворит эканлигию ким аутсайдерлиги ҳақида баҳс-мунозаралар бўлади. Шубҳа йўқки, бу борада футболи анча ривожланган "кўҳна қитъа" вакилларининг имконияти ҳамиша юқори баҳоланади. ЖАР чемпионати старт олмасдан аввал ҳам ана шундай башоратларни жуда кўп эшитдик. Аммо Европа футболчилари учун бу майдонлардаги илк учрашувлар кутилганидек омадли келмади. Масалан, вице-чемпион сифатида турнирга ташриф буюрган Франциянинг бунчалик ланж ўйнагани нафақат ушбу миллат вакилларини, балки уларни астойдил қўллаб-қувватлаб турган бошқа минглаб мухлисларни ҳам ранжитгани аниқ. Шунингдек, финалгача етиб бориши тахмин қилинаётган Испания терма жамоасининг Швейцарияга ютқазиб қўйиши энг кутилмаган воқеа сифатида қайд этилди. Чунки таркибида Касильяс, Пуйол, Пике, Хави, Иньеста, Алонсо, Вилья, Торрес каби жаҳондаги энг кучли ўйинчилари бор жамоанинг ўйинлар арафасида мағлубиятга учраши ҳақида кимдир фикр билдирганида эди, очиғи, уни футболни тушунмасликда айблашлари ҳеч гап эмасди.

Фаворитлардан яна бири Голландия эса Данияни жуда катта қийинчилик билан енггани эътибордан четдан қолгани йўқ. Бошқа қитъалардан келган терма жамоалар ҳам сенсация қилишга улгуришди. Хусусан, Жанубий Кореянинг кутилмаган ғалабасидан ҳайратда қолган мухлислар Аргентинанинг Нигерия устидан минимал ҳисобда зафар қучганидан астойдил қувона олишмади. Японлар Это'О бошлиқ камерунликларга ўзидан кучсиз дея менсимаслик қандай оқибатларга олиб келишини кўрсатиб қўйишди. Футболнинг жозибаси, олдиндан башорат қилиш бефойда эканлиги яна бир бор тасдиқланди.

## Ҳакамлар жамоаси

Бу жамоа ҳақида алоҳида тўхталиш ўринли. Зеро, унинг таркибида Ўзбекистон вакили ҳам бор. Шу боис ушбу мундиаль футболимиз тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилади, десак, асло муболаға қилмаган бўламиз. ФИФАдек нуфузли ташкилот мусобақанинг дастлабки ўйинини бошқаришни ҳамюртимиз Равшан Эрматов ва унинг ёрдамчиларига ишониб топширганининг ўзи биз учун катта фахр. Ўша учрашув ҳамманинг ёдида. Аммо бир вазият ҳақида икки оғиз фикримизни билдириб ўтсак, ортиқчалик қилмас. Хабарингиз бор, дастлабки бўлимнинг сўнгги дақиқаларида Мексика терма жамоаси мезбонлар дарвозасига гол киритишга муваффақ бўлади. Бироқ ҳакам тўпни дарвозага йўллаган футболчи ўйиндан ташқари ҳолатда қолиб кетган, дея баҳолади ва голни ҳисобга олмади. Айнан шу вазият узоқ муҳокама қилинди. Якунда эса ҳакам ҳақлиги эътироф этилди. Турли оммавий ахборот воситаларида юртдошимиз шанига илиқ фикрлар билдирилди. Мана улардан бири: "Эрматов майдондаги вазиятларни аниқ кўра олди. Ўйинни у худди шахматчидек ўқий билди. Футболчиларнинг ҳар бир ҳаракатини эса олдиндан ҳис қилди ва керакли жойда ўта адолатли қарорлар чиқарди".



Учрашувдан сўнг ҳатто Мексика терма жамоаси бош мураббийи Хавьер Агирре ҳам ҳакамга ҳеч қандай эътирози йўқлигини билдирди. Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистон вакилига Англия ва Жазоир терма жамоалари ўртасида кеча бўлиб ўтган учрашувни ҳам бошқариш ишониб топширилди.

## Режа амалга ошмади

Албатта, иккинчи тур голларга бой бўлаётгани мухлисларни хурсанд қилмоқда. Босқични бошлаб берган Уругвай ва ЖАР терма жамоаларининг баҳсида дарвозаларга учта тўп киритилди. Уругвайлик футболчилар рақиблари устидан ана шундай йирик ҳисобда зафар қучишди. Айтиб ўтиш керак, мазкур баҳсда жаҳон чемпионатларидаги илк антирекорд ўрнатилди. Яъни олдин ўтган мундиаллардан фарқли ўлароқ, бу гал илк бор мезбон давлат жамоаси икки ўйиннинг биронтасида ҳам ғалаба қозонолмади. Мазкур учрашувда ЖАР терма жамоасининг дарвозабони майдондан четлатилганига ҳам эътибор қаратишингизни хоҳлардик.

Афтидан, бошқа қитъаларда ўтаётган жаҳон чемпионатлари Франция учун омадсиз бўлиши анъанага айланиб қолгандек. Гап шундаки, 2002 йили Япония ва Жанубий Корея мамлакатларида бўлиб ўтган мундиалда ҳам мазкур жамоа гуруҳ босқичидан нарига ўтолмаганди. Бу гал ҳам шундай бўлиши деярли аниқ. Мексикадан очиқчасига кучсизлик қилган французлар кейинги босқичга фақат мўъжиза туфайлигина чиқишлари мумкин. Бу мўъжиза ҳам уларнинг ғалабаси билан боғлиқ эмас. Терма жамоа бош мураббийи Раймон Доменек ҳам буни тан олди: "Нима дейишга ҳам ҳайронман. Биз мексикаликларга қарши ўйин учун махсус режа тузиб чиққан эдик. Афсуски, уни майдонда қўллай олмадик. Нима бўлган тақдирда ҳам, охирги ўйинимизда шанимизни сақлаб қолиш учун ҳаракат қиламиз".

## Атрофдаги ҳангомалар

Ҳозир Жанубий Африка Республикаси стадионларидаги шовқин кўпчиликнинг ғашига тегмоқда. Худди қовоғарининг ғўнғиллашига ўхшаган бу овоз маҳаллий аҳолининг миллий чолғуси — вувузеладан янграмоқда. Ҳатто баъзилар уни бекор қилишни сўраб мурожаат ҳам этишди. Аммо ташкилий қўмита бу талабни рад қилди. Афтидан, ФИФА бу қарори билан мезбоннинг миллий қадриятларига ҳурмат билан қараш кераклигини эслатиб қўйди.

Лекин вувузеладан жабр кўраётганлар ҳам учраб турибди. Бу воқеа Германия — Австралия ўйини пайти юз берди. Лукас Подольски ҳисобни очиши билан кимдир германиялик мухлиснинг қулоғига қарата сурнайни чалиб юборса бўладими?! "Мен кар бўлиб қолдим, деб ўйлагандим, — дейди у. — Бу сурнайларни зудлик билан тақиқлаш керак! Стадиондагиларга раҳмим келаяпти". Мухлис ҳозир қулоғидаги шанғиллаш кетмаётганидан шикоят қилмоқда. Шифокорлар эса бу камида бир ҳафтадан сўнг тузалишини айтиб ўтишган.

Ташкилотчиларнинг сўзларига қараганда, қалбаки чипталар ҳам қўлга чиқиб кетган. Шу боис ФИФА ходимлари чипта сотиб олмоқчи бўлганларга махсус телефон рақамларига боғланишни ёки уларни расмий сайт орқали харид қилишни маслаҳат беришмоқда.

Бундан ташқари, деярли ҳар куни журналистлар ёки машҳур шахслар тунаб кетилаётгани маълум бўлмоқда. Куни кеча учрашувларни шарҳлаш учун ЖАРга келган Аргентина терма жамоасининг собиқ ҳужумчиси Габриэль Батистута бор-будидан айрилди. Унинг меҳмонхонадаги ётоғидан кредит карточкаси ва шахсий буюмлари олиб чиқиб кетилган. Худди шундай воқеа олдинроқ испаниялик журналистлар бошига ҳам тушганди.

Жаҳон чемпионати эса давом этмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, олдинда яна кўплаб чиройли ўйинлару голларга гувоҳ бўламиз. Қизиқарли воқеалар ҳам бундан мустасно эмас. Футбол байрамининг завқи, жозибаси ва бетакрорлиги шунда-да.

Ана шунақа гаплар...

**Фазлиддин АБИЛОВ.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 52482 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Болиев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.45 Топширилди — 02.00 1 2 4 5